

**2026 ЙИЛ ХОСИЛИ УЧУН ЖАМҒАРИЛГАН МАХАЛЛИ ВА ХОРИЖИЙ
УРУҒЛИК ПАХТА ҒАРАМЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ХАМДА МАШИНА ТЕРИМИНИНГ СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЛАБОРАТОРИЯ ТАҲЛИЛЛАРИ
АСОСИДА ЎРГАНИШ.**

Холтаджиев Акрамжон Адхамович

*“Ўзагроинспекция” қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳмулотларини сифатини
баҳолаш маркази” ДМ мутахассиси*

Тиллаев Аҳроржон Мухаммаджонович

ПСУЕАИТИда мустақил тадқиқотчи.

e-mail: ahrorjontillayev@gmail.com

Аннотация. *Мазкур мақолада 2026 йил хосили учун жамғарилган маҳаллий ва хорижий нав уруғлик пахта ғарамларининг дастлабки сифат кўрсаткичлари ҳамда машина теримининг уруғлик чигит ва пахта толаси сифатига таъсири лаборатория таҳлиллари асосида ўрганилган. Тадқиқотлар Фарғона вилоятида 2024–2025 йилларда қўл ва машина терими орқали жамғарилган уруғлик пахта партиялари мисолида олиб борилди. Уруғлик чигитнинг униш қуввати, унувчанлиги, намлиги, пишганлик даражаси, механик шикастланиши ва 1000 дона уруғ вазни ҳамда пахта толасининг узунлиги, узилиш кучи, калта тола индекси каби асосий сифат кўрсаткичлари O‘zDSt ва ГОСТ стандартлари асосида баҳоланди. Таҳлил натижалари 2025 йил хосилидан жамғарилган уруғлик пахтада сифат кўрсаткичлари 2024 йилга нисбатан яхшиланганини, машина терими шароитида ҳам агротехника талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда уруғлик чигит сифати стандарт талабларига жавоб бериши мумкинлигини кўрсатди. Шунингдек, тола сифати кўрсаткичларида узунлик ва узилиш кучининг ошиши, калта тола индекси эса камайгани аниқланди. Олинган натижалар машина теримини уруғчиликда қўллаш имкониятларини илмий асослашга ҳамда пахта уруғчилигида самарадорликни оширишга хизмат қилади.*

Калит сўзлар (ўзбек тилида): *уруғлик пахта, пахта уруғчилиги, машина терими, қўл терими, уруғлик чигит сифати, пахта толаси сифати, механик шикастланиш, униш қуввати, унувчанлик, лаборатория таҳлиллари.*

Аннотация (на русском языке): *В данной статье на основе лабораторных анализов изучены исходные показатели качества семенных партий хлопка местных и зарубежных сортов, заготовленных для урожая 2026 года, а также влияние машинного сбора на качество семян хлопчатника и хлопкового волокна. Исследования*

проводились в 2024–2025 годах в Ферганской области на примере семенного хлопка, заготовленного ручным и машинным способом. Основные показатели качества семян хлопчатника, такие как энергия прорастания, всхожесть, влажность, степень зрелости, механическая повреждённость и масса 1000 семян, а также показатели качества хлопкового волокна — длина, прочность на разрыв и индекс коротких волокон — оценивались в соответствии с требованиями государственных стандартов O‘zDSt и ГОСТ. Результаты анализа показали, что показатели качества семенного хлопка урожая 2025 года улучшились по сравнению с 2024 годом, а при строгом соблюдении агротехнических требований машинный сбор может обеспечивать соответствие качества семян установленным стандартам. Кроме того, установлено увеличение длины и прочности волокна на разрыв, а также снижение индекса коротких волокон. Полученные результаты служат научным обоснованием возможности применения машинного сбора в семеноводстве хлопчатника и направлены на повышение эффективности отрасли.

Ключевые слова (на русском языке): семенной хлопок, семеноводство хлопчатника, машинный сбор, ручной сбор, качество семян хлопчатника, качество хлопкового волокна, механические повреждения, энергия прорастания, всхожесть, лабораторные анализы.

Abstract (in English): This article presents a laboratory-based study of the initial quality indicators of seed cotton from local and foreign varieties stored for the 2026 harvest, as well as the impact of mechanical harvesting on the quality of cottonseed and cotton fiber. The research was conducted in the Fergana region during 2024–2025 using seed cotton lots harvested by manual and mechanical methods. Key quality parameters of cottonseed—including germination energy, germination capacity, moisture content, maturity level, mechanical damage, and the weight of 1,000 seeds—as well as cotton fiber quality indicators such as fiber length, tensile strength, and short fiber index were evaluated in accordance with O‘zDSt and GOST standards. The results demonstrated that the quality indicators of seed cotton harvested in 2025 improved compared to those of 2024, and that under strict adherence to agrotechnical requirements, mechanical harvesting can ensure cottonseed quality that meets standard specifications. In addition, an increase in fiber length and tensile strength and a decrease in the short fiber index were identified. The findings provide a scientific basis for the application of mechanical harvesting in cotton seed production and contribute to improving the efficiency of the cotton seed industry.

Keywords (in English): seed cotton, cotton seed production, mechanical harvesting, manual harvesting, cottonseed quality, cotton fiber quality, mechanical damage, germination energy, germination capacity, laboratory analysis.

Ўзбекистон Республикасида фидойи селекционер-уруғшунос олимлар ва тадқиқотчилар томонидан узоқ йиллар давомида серхосил, махсулдор, иқлим шароитларига мос, касаллик ва зараркунандалар чидамли бўлган қишлоқ хўжалик экинлари навлари яратилган ва мавжудлари мукаммаллаштирилиб келинмоқда. Шунингдек сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги ҳамда генафондини янгилаш ва мукаммаллаштириш мақсадида хорижий экин навлари олиб келинмоқда. Ўзагроинспексия қошидаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш Маркази” давлат муассасига, мулкчилик шаклидан қатъий назар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар маҳсулотини давлат стандартларига асосан баҳоловчи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги орган сифатида эътироф этилиб, мамлакатда сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш билан ички бозорида рақобат муҳитини янада кучайтириш, нархлар барқарорлиги ҳамда ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш орқали, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилди. Хукумат кўмаги билан Пахта етиштирувчи барча субектлар: Пахта тўқимачилик крастерлари ва фермер хўжаликларида ғўза парвариши, хосилни жамғариш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида сарф-харажатни камайтириб, тола ва бошқа иккиламчи маҳсулотлар таннархини пасайтириш мақсадида томчилатиб суғориш, ғўзани ўсишини бошқариш имконини берувчи турли органик моддалар қаторида хосилни тез фурсатда, сифатли, жамғаришни таъминловчи терим машиналаридан фойдаланиш зарурати ошиб бормоқда. Жумладан Фарғона вилоятида 2025 йил пахта хосилини жамғариш мавсумида 192 донга замонавий пахта терим машиналаридан фойдаланилди. Мамлакатимиз пахта уруғчилигида хосилни жамғаришда уруғлик чигит сифат кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлаш мақсадида кўл теримидан фойдаланиб келинган. Шунингдек уруғлик майдонлари дефляция қилинишига йўл қўйилмаган. Бундай усулнинг афзалликлари қатори ўзига яраша камчиликлари бор. Уруғлик пахтани терим машиналарида жамғарилмаслигининг асосий омили уруғлик чигитнинг механик шикастланиш сифат кўрсаткичи ортиб, унувчанлик сифат кўрсаткичининг кескин тушиб кетишига олиб келган. Илмий тажриба ишининг долзарблиги бугунги кунда замонавий пахта терим машиналарида уруғлик чигитнинг сифатига тасир этувчи омилларни ўрганиш таҳлил этиш ва ишлаб чиқаришга жорий этилса самарадорлик ошишини исботлаб беришдан иборат.

Тажриба сифатида 2024 йилдан бошлаб айрим уруғчилик хўжаликларида машина теримидан фойдаланиб келинмоқда. Ўтган йили биринчи қадамлар бўлганлиги сабаб қатор камчиликлар аниқланган. Жумладан: уруғлик пахтани ифлослиги, намлиги,

механик шкастланиш даражаси юқорилиги ва пишганлик даражаси пастлиги кузатилган (1-жадвал).Куйидаги жадвалда вилоятимизда биринчи йил экилган хорижий навларни кўришимиз мумкин. Хорижий навларни барча хосил шохлари бир вақтда пишиб етилганлиги терим машиналарида фойдаланиш афзаллигини берган бўлсада, ғўзани дефоляция қилинган, ёғингарчиликдан олдин йиғиштириб олиш мақсадида барглари тўла тўкилиб, қуриб тушиб бўлмасидан терилганлиги, бир вақтда ўзида намлик, ифлослик ва механик шкастланишга олиб келган. Бундан ташқари пахта саклаш масканларида терим машиналарида жамғарилган пахтани тўлиқ қуритиб ғарамлаш қоидаларини бузилиши кузатилган. Бунинг оқибатида ушбу тўдалар ярқисиб деб топилишига сабаб бўлган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда, ҳудуднинг иқлими, ер ва сув шароити, юқори маҳсулдор уруғ навини танлаш, экиш учун сифатли тайёрлаш ва агротехника талабига риоя қилиниши муҳим. Юқори сифатли уруғлик-қўшимча ўғит, гербитсид, пеститсид ва бошқа харажатларни қисқаришига, ўсимликларнинг тўғри ўсишига, бегона ўтлар, касалликлар, зараркундаларнинг салбий таъсирини камайишига ва экинлар ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини ошишига олиб келади. Давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёев, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида осон ва енгил йилнинг ўзи бўлмайди. Табиат инжиқликлари, сув ресурсларининг чеклангани, турли ҳашарот ва зараркундалар билан курашиш ҳар бир деҳқондан катта азму шижоат, миришкорлик ва тажрибани талаб этади. Эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон этадиган ғоят муҳим ва залворли соҳа ҳам айнан қишлоқ хўжалиги тизимидир” деб, Янги Ўзбекистон концепциясига қишлоқ хўжалиги тизимини тубдан ўзгартириш, соҳани илмий асосда ривожлантириш, соҳага янги инноватсион технологиялар олиб кириш лозимлиги давр талаби эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Жумладан, 2024 йил 12 февралда Шавкат Мирзиёев раислигида “Қишлоқ хўжалигида янги захираларни ишга солиш ҳамда 2024 йилги вазифалар” юзасидан ўтказилган видеоселектр йиғилишида, кўп йиллардан бўён чуқур таҳлил қилинмаган, қишлоқ хўжалигининг энг долизарб соҳаси бўлган уруғчиликда, амалга оширилаётган ишлари мутлақо қониқарсиз аҳволда эканлигини, “Деҳқон ва фермерлар қайси ҳосилдор уруғни экиш, уни қаердан олиш, унинг сифати қай даражада кафолатланлигини билмаслиги, мўл ҳосил олинишига салбий таъсир кўрсатиб келаётгани”ни алоҳида таъкидлади. Мазкур масаланинг долзарблиги, 2022 йил 28 июнда “Илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига пахта ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда пахтани чуқур қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари” бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам муҳокама этилиб, “Соҳага илмий ва замонавий

технологиялар жорий этганлмаётганлиги, олимларимиз яратган 100 сентнергача ҳосил берадиган пахта навларини етказиб бериш, кластер, деҳқон ва фермерлар қайси ҳосилдор уруғларни экиши, уларни қаердан олиши билан боғлиқ масалалар ечимини топмаганлигини, айрим раҳбарлар соҳага ўзига яқин таъминотчилар ва билимсиз одамларни аралаштираётгани, коррупсия ҳолатлари бошлангани ҳақида етарли маълумотларга эга эканликларини” алоҳида таъкидлаб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича аниқ топшириқ берилган. Хозирда Фарғона вилоятда пахта етиштириш имкони бўлган барча тупроқ иқлим шароитлари: чўл, дашт ва кишлоқ худудларида тажриба сифатида уруғлик пахта экилиб, жамғакрилган уруғлик пахта ғарамлари тола сифати ва уруғлик чигитнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинмоқда. Фарғона вилоятида 2025 йилда 72000 га майдонда пахта етиштирилган бўлиб, шундан 24179 га майдонга хорижий навлар экилди. Вилоятни Қишлоқ хўжалик бошқарма бошлиғининг 2025 йил 16-сентябрдаги буйруғига асосан 3744 гектар уруғлик ғўза майдонларида апробация ўтказилиб, O`z DSt642:2005 Уруғлик пахта Техникавий шартлар стандартига асосан 4471,4 тонна уруғлик пахта материаллари жамғарилди. Ўзбекистон Республикаси Уруғчилик тўғрисидаги қонуннинг (2019 йил 16 февраль ЎРҚ-521-сон) 16,17-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш” тўғрисидаги 2021 йил 12 октябрдаги №-641-сонли қарорига асосан Вилоятда мавжуд уруғлик етиштириш ҳуқуқига эга бўлган Корхоналар (19та хусусий уруғчилик хўжаликлари, 1та тажриба станцияси, 2та элита уруғчилик хўжалиги, 6та фермер хўжалиги ва 12та Пахта тўқимачилик кластерлари) омборларига жамғарилган ва 2026 йил ҳосили учун уруғлик тайёрлаш режалаштирилган 54 та партиядан иборат 4364,7 тонна маҳаллий ва 1 та партиядан иборат 106,6 тонна хорижий навлардан O`zDSt 1080:2005 “Уруғлик пахта ва уруғлик чигит. Намуна танлаб олиш усуллари” давлат стандартига асосан намуналар танлаб олинди ва лаборатория таҳлиллари ўтказилди (2-жадвал).

Иккинчи жадвалда нав уруғлик чигит ғарамлари дастлабки сифат кўрсаткичлари юзасидан қуйидаги натижалар олинди: 2025 ҳосилидан жамғарилган барча нав ғарамлари тиним даврини тўлиқ ўтаган бўлиб, барча партиядан Униш қуввати ва унувчанлиги 2024 йилги таҳлилларга нисбатан яхши, 90% дан юқори кўрсаткич аниқланган, 2024 йил таҳлилларида айрим маҳалли ва барча хортижий навда бу кўрсаткич 90% дан паст экани кузатилган. Пишганлик даражаси кўрсаткичи Хорижий ва Маҳаллий навларда яхши эканлиги аниқланди. Уруғлик чигитнинг механик шкастланиш даражаси ишлаб чиқариш жараёнида жуда муҳим омил эканлигини қайд этган ҳолда, бу кўрсаткични паст бўлиши муҳим саналади. Уруғлик пахта ғарамларини

сақлаш масканларидан Пахта тозалаш корхоналарига ташиш қайта ишлаш жараёнларида механик шкастланиш даражаси 3.0% гача ортади. Саралаш дорилаш жараёнларида яна 2.5% гача шкастланиш қўшилади.

“O`zDSt 663:2017 СЕМЕНА ХЛОПЧАТНИКА ПОСЕВНЫЕ Технические условия” стандартига асосан Механик шкастлашин даражаси Тукли чигитлар учун 7% ва кам тукли ва туксизлантирилган чигитлар учун 8% этиб белгиланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, барча навларда механик шкастланиш даражаси мейёрида эканлиги яъни 1.0% дан ҳам кам эканлиги аниқланиб, бу кўрсаткич 2024 йил тахлил натижаларига нисбатан 2.0% юқори. 1000 дона уруғ вазнига кўра 2024 йилги тахлилларда хорижий нав уруғлари, махаллий навлар уруғларидан майдалиги билан фарқланган эди. 2025 йилдаги тахлилларда махаллий навларда ҳам чигит вазнини пастлиги кузатилмоқда. 2024 йилги тахлилларда уруғлик чигитнинг ўртача вазни 115 грамми ташкил этган бўлса, 2025 йилги тахлилларда чигитнинг ўртача вазни 109 грам эканлиги аниқланди.

Уруғлик чигит намуналарини сифат кўрсаткичлари стандарт талабларида эканлигининг бир омили 2024 йилга нисбатан 2025 йил пахта терими мавсуми ёғингарчиликларсиз ўтганлиги ҳамда дефоляция воситаларини самарали қўлланиши натижасида машина теримидан кенг кўламда фойдаланиш имконини берганлигида кўриш мумкин. Тахлил натижалари шуни кўрсатдики Корхоналарида чигитни тозалаш жараёнида 3.0% ва Дорилаш жараёнида 2.5% қўшилган тақдирда 2025 йил хосилидан жамғанилган уруғлик чигит сифат кўрсаткичлари стандарт талаблари меёрида бўлиши кутилмоқда.

Одатда пахта чигитнинг вазни юқори бўлиши, тола чиқими пастлиги ва чигит майда бўлиши, тола чиқими юқори бўлиши билан характерланади. 2025 тахлилларда 1000 дона чигит вазнининг сезиларли даражада камайганлигини, 2024 йилги кўрсаткичларга нисбатан солиштириш орқали кўриш мумкин. Бу ҳолатни тола сифат кўрсаткичлари жадвалида яққол кўриш мумкин. (3-жадвал ва 4 жадвал)

Гарамлардан олинган намуналардан ажратилган тола, пахта махсулотлари лабораториясида синовлардан ўтказилди. Лаборатория синовлари O`zDSt 604:2016 Пахта толасининг техник шартлари стандарти асосида HVI-900 тизимида, класёрлик усулида амалга оширилди.

Пахта толасининг 2024 йил лаборатория синовлари 3-жадвалда, 2025 йил ўтказилган тахлиллар 4-жадвалда кўрсатиб ўтилган. Тахлил натижалари орқали 2025 хосилидан олинган намуналар Тола узунлиги (Length) 2024 йил ўтказилган тахлил натижаларига нисбатан ўртача 0.03 дюм узунлигини кўриш мумкин. Шунингдек Андижон-35 ва Султон налари толаси 5-типга мансублиги барчамизга маълум, 2025 йилги HVI-900 тизими тахлилларида ушбу навлар толаси 4-тип сифатида белгиланган. Толанинг

узилиш кучи текстил саноатида муҳим кўрсаткич саналади. 2025 йилги таҳлилларда Толанинг узилиш кучи (Stregth) 2024 йилга нисбатан 0.06% ортганлиги аниқланди. Яна бир кўрсаткич Калта тола индекси (SFI) 2024 йилга нисбатан сезиларли даражада 7.0% камайганлиги кузатилди.

2024 йил хосилидан терим машиналарида жамғарилган уруғлик пахта тўлаларининг сифат кўрсаткичлари (1-жадвал)

№	Корхона (кластер, ЭУХ, хусусий ва бошқалар) номи	Уруғлик ғарамлари				Сифат кўрсаткичлари					
		партия №	Нави	Авлоди	ғарам вазни, тонна	Униш куввати	Унучанлиги	Пишганлиги	Мех.шкаст	Қуйганлиги	1000 дона вазни
1	Мезон ф/х	1	ХинЛуЗао-78	-	378	82	89	94/12	2,5	0	88
2	"Зафарли келажак" фх	1	ХинЛуЗао-78	-	143	85	89	95/12	2,1	0	95
3	Экспо коллор принг текс МЧЖ	1	ХинЛуЗао-78	-	209	81	88	90/8	2,3	0	99
Жами:					730						

2025 йил хосилидан жамғарилган уруғлик пахта партияларининг сифат кўрсаткичлари (2-жадвал)

№	Пахта-тўқимачилик кластер корхоналари ва бошқа субъектлар номи	Партия	Нави	Авлоди	Ғарам вазни	Терим ҳолати	Уруғлик пахтанинг сифат кўрсаткичлари					
							Униш куввати	Унучанлиги	Намлик %	Механик шикаст %	Пишганлик %	1000 дона уруғ вазни (гр)
1	"LUX YAN TEX"	32	C-6775	R-1	100,1	қўлда	92	92	7,9	0,2	93/7	110
2	"LUX YAN TEX"	29	Нам-77	R-1	36,3	қўлда	91	91	8,0	0,2	91/9	103
3	Сожидахожи она ХУХ	300	C-8290	R-1	60,0	қўлда	93	93	8,0	0,1	94/9	107
4	Риштан бест сеедс	1	C-6775	Элита	42,9	қўлда	92	92	8,0	0,1	93/8	111
5	"FERGHANA SPINNING"	604	C-8290	R-1	91,0	қўлда	91	91	8,0	0,2	94/8	108
6	"FERGHANA SPINNING"	605	C-8290	R-1	77,2	қўлда	92	92	8,0	0,3	91/6	109
7	"FERGHANA SPINNING"	606	Нам-77	R-1	55,8	қўлда	92	92	8,2	0,3	93/8	104
8	"PROF TEKST PLYUS"	300	Нам-77	R-1	261	қўлда	93	93	8,0	0,2	94/10	101
9	"PROF TEKST PLYUS"	12	C-8290	R-1	28	қўлда	92	92	8	0,2	95/11	108
10	Сиддик ота ХУХ	101	Нам-77	R-1	41,4	қўлда	91	91	8	0,1	95/9	103
11	Нури бахт ХУХ	101	C-6775	R-1	71,5	қўлда	91	91	8,0	0,1	93/8	110
12	Алкор Агротехника ХУХ	104	Нам-77	R-1	42,5	қўлда	94	94	8,0	0,2	93/7	102

13	Семруғ 777 ХУХ	103	Нам-77	Элита	36,0	қўлда	93	93	8,0	0,2	91/9	101
14	Семруғ 777 ХУХ	104	Нам-77	R-1	69,0	қўлда	92	92	8,0	0,1	94/9	100
15	Буюк Зафар ХУХ	103	Нам-77	Элита	71,6	қўлда	93	93	8	0,1	93/8	101
16	Юлдуз ХУХ	1	C-8290	R-1	43,3	қўлда	92	92	8	0,2	94/10	111
17	Қўчқорали Саминжон	102	Нам-77	R-1	38,8	қўлда	91	91	8	0,1	95/11	100
18	"Бувайда Яшил Макон" кооперация	1	Нам-77	R-1	103,3	қўлда	92	92	8	0,1	95/9	103
19	"MUSAVVAR TEX"	115	C-8290	R-1	61	қўлда	91	91	8,0	0,2	93/7	112
20	"MUSAVVAR TEX"	0211-а	C-6775	R-1	32	қўлда	91	91	8,0	0,1	91/9	112
21	Шокиржон Хаитов ХУХ	2	Султон	R-1	53	қўлда	92	92	8,0	0,1	94/9	118
22	Қорасоқол Юксалиш	203	C-6775	R-1	120,7	қўлда	91	91	8,0	0,2	94/10	110
23	Фар Зулфикор ХУХ	4	C-6775	R-1	360,5	қўлда	92	92	8,0	0,1	95/11	110
24	Қоратепа замин неъматлари ХУХ	10	C-6775	R-1	43,0	қўлда	92	92	8,0	0,1	95/9	113
25	BAHODIR LOG'ON TEKSTIL	1	C-8290	R-1	76	қўлда	91	91	8,0	0,2	93/7	112
26	Қува ЭУХ	2	Нам-77	Элита	60,1	машина	91	91	8,0	0,5	91/9	105
27	Шермирзахожи	3	C-8296	Элита	66,2	қўлда	92	92	8,0	0,1	94/9	110
28	УзПИТИ тажриба хўжалиги	1а	C-8296	Элита	14,8	қўлда	93	93	8,0	0,2	94/10	118
29	УзПИТИ тажриба хўжалиги	2а	C-7303	Элита	6,2	қўлда	93	93	8,0	0,2	95/11	109
30	УзПИТИ тажриба хўжалиги	3а	Қува-1	Элита	2,8	қўлда	94	94	8,0	0,1	95/9	106
31	HAMZA EXPO ART TEKSTIL	600	Нам-77	R-1	91,2	қўлда	91	91	8,0	0,2	93/7	103
32	HAMZA EXPO ART TEKSTIL		C-6775	R-1	49,8	қўлда	91	91	8,0	0,2	91/9	118
33	Убайдулло Нишонов	01	Нам-77	R-1	100,1	қўлда	92	92	8,0	0,1	94/9	104
34	Тоҳиржон Бекзоджон Мирзаматовлар	04	C-8290	R-1	82,4	қўлда	92	92	8,0	0,1	94/10	111
35	Абдукаримхожи ўғли Абдувалихожи ХУХ	1	C-8290	Элита	54,9	қўлда	93	93	8,0	0,2	95/11	112
36	Абдукаримхожи ўғли Абдувалихожи ХУХ	2	C-8290	R-1	41,7	қўлда	91	91	8,0	0,2	95/9	111
37	"KOSTO LINE HOLDING"	701	Нам-77	R-1	227,0	қўлда	91	91	8,0	0,1	94/8	100
38	Отахонбой боғи	117	C-6775	R-1	42,7	қўлда	93	93	8,0	0,1	93/9	113
39	Шукур Хикмат ХУХ	117	C-6775	R-1	48,2	қўлда	92	92	8,0	0,2	95/10	110
40	Қайрағоч ҳосилдор ХУХ	1	Султон	R-2	102,7	қўлда	94	94	8,0	0,1	96/11	117
41	Зафарли юриш ХУХ	31	XINLU ZHONG-78	R-2	106,6	машина	92	92	8	0,1	94/11	104
42	EXPO KOLLOR PRIN TEKS	220	C-6775	R-1	85,6	машина	91	91	8,0	0,2	96/11	114
43	EXPO KOLLOR PRIN TEKS	221	C-8290	R-1	190,7	машина	92	92	8	0,1	92/8	112
44	EXPO KOLLOR PRIN TEKS	221а	C-8290	R-2	82,5	машина	91	91	8,0	0,1	93/7	110
45	EXPO KOLLOR PRIN TEKS	223	Нам-77	R-1	109,9	машина	91	91	8,0	0,2	94/9	104
46	"BULUT TEXTILE"	515	C-8290	R-1	116,0	қўлда	92	92	8,0	0,2	93/7	113
47	"MUSAVVAR TEX"	1	C-8290	R-1	85,6	қўлда	93	93	8,0	0,1	94/9	112
48	Иқболмирзо замини	02	C-8290	R-1	35,3	қўлда	92	92	8,0	0,2	93/8	116
49	"BULUT TEXTILE"	404,0	C 82-90	R-2	79,1	қўлда	91	91	8	0,2	95/8	114
50	"BULUT TEXTILE"	402	C 82-96	R-1	256,2	қўлда	91	91	8,0	0,2	93/8	116

51	Шабода-Н	505	С 82-90	R-2	82,0	машина	93	93	8,0	0,5	94/9	113
52	Зафарли келажак	505a	С 82-90	R-2	126,9	машина	91	91	8,0	0,6	95/8	110
53	Интеграл	501	С 67-75	R-1	61,5	қўлда	92	92	8,0	01	92/6	109
54	Водий-2017	502	Султон	R-1	48,5	қўлда	91	91	8,0	0,2	94/8	116
54	Жами	х	х		4471,4	х	х	х	х	х	х	х

2024 йил тола сифат кўрсаткичлари 3-жадвал

№	Нави	Сифат кўрсаткичлари									
		Sort Сорт	Class Класс	Type Тип	Staple Штапель	Length Узунлик дюйм	Mic Микро- нейр	Stregth Узилиш кучи	SFI Калта толалар индекси %	Uniformity Бир текислик индекси, %	Elongation Узилиш- даги узайиш
1	Нам-77	1	4	5	35	1,10	4,5	34,6	6,3	83,8	6,5
2	Андижон-35	1	2	5	35	1,10	4,8	33,9	6,5	84,9	6,4
3	С8296	1	4	4	36	1,12	4,6	35,2	6,1	84,2	5,8
4	С6775	1	4	4	36	1,13	4,6	34,2	5,2	85,9	6,8
5	Султон	1	4	5	35	1,10	4,7	33,9	6,8	84,3	6,6
6	С8290	1	4	4	36	1,12	4,6	35,2	6,1	84,2	5,8
7	Равнақ-1	1	4	4	36	1,12	4,4	34,8	5,9	85,4	6,8
8	ХинЛуЗао-78		4	4	38	1,20	5,0	32,6	5,5	82,3	5,4

2025 йил тола сифат кўрсаткичлари 4-жадвал

№	Нави	Сифат кўрсаткичлари									
		Sort Сорт	Class Класс	Type Тип	Staple Штапель	Length Узунлик дюйм	Mic Микро- нейр	Stregth Узилиш кучи	SFI Калта толалар индекси %	Uniformity Бир текислик индекси, %	Elongation Узилиш- даги узайиш
1	Нам-77	1	2	4	36	1,17	4,5	34,7	6,2	83,9	6,5
2	Андижон-35	1	2	4	36	1,13	4,7	34,0	6,4	85,0	6,4
3	С8296	1	2	4	36	1,14	4,5	35,3	6,0	84,3	5,8
4	С6775	1	2	4	36	1,16	4,5	34,2	5,0	86,0	6,8
5	Султон	1	2	4	36	1,13	4,6	34,0	6,6	84,5	6,6
6	С8290	1	2	4	36	1,17	4,5	35,4	6,0	84,5	5,8
7	ХинЛуЗао-78	1	2	4	37	1,24	4,6	33,3	5,2	84,3	5,4

Фойдаланилган манбалар:

1. O`z DSt 663:2017 СЕМЕНА ХЛОПЧАТНИКА ПОСЕВНЫЕ Технические условия
2. ГОСТ 2226-88 Мешки бумажные. Технические условия
3. ГОСТ 14192-96 Маркировка грузов
4. ГОСТ 19433-88 Грузы опасные. Классификация и маркировка
5. ГОСТ 21820.1-76 Семена хлопчатника. Методы определения всхожести
6. ГОСТ 21820.2-76 Семена хлопчатника. Метод определения влажности
7. ГОСТ 21820.3-76 Семена хлопчатника. Методы определения засоренности, механической поврежденности, остаточной волокнистости, остаточной опушенности и горелости
8. ГОСТ 21820.4-76 семена хлопчатника. Методы определения наличия осыпавшейся протравливающей смеси, выравненности по размерам, зараженности амбарными вредителями
9. ГОСТ 30090-93 Мешки и мешочные ткани. Общие и технические условия
10. O`z DSt 581:2002 пахтани кайта ишлаш. Атамалар ва тарифлар
11. O`z DSt596:2005 Техник чигит. Техникавий шартлар
12. O`z DSt642:2005 Уруглик пахта Техникавий шартлар
13. O`z DSt1080:2005 Уруглик пахта ва уруглик чигит. Намуна танлаб олиш усуллари.
14. O`zDSt 604:2016 Пахта толасининг техник шартлари